

“Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти
акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг
1-сон
БАЁННОМАСИ

2020 йил 15 июль
Соат 10-00

Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани
Оқтош шаҳарчаси, Навоий кўчаси уй №1

Йиғилиш иштирокчилари:

“Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова қилинади).

Йиғилишга таклиф этилганлар:

М.Халимов - жамият бош директори;

Ж.Турғунов - жамият бош ҳисобчиси;

С.Қаюмов - жамият тафтиш комиссияси аъзоси.

Жамият Кузатув кенгаши раиси йиғилишда иштирок эта олмаганлиги муносабати акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши раиси этиб, кузатув кенгаши мажлисининг қарори билан ваколат берилган, “Наманган минтақавий пахта терминали” МЧЖнинг қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси С.Қаюмовни сайлаш таклиф этилди.

Йиғилишда иштирок этаётган “Наманганпахтасаноат” АЖ бошқаруви раиси в.б. О.Тўраев 3 кишидан иборат йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича ўзининг таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига ва котиблигига қуйидагилар сайланди:

1. С.Қаюмов – умумий йиғилиш раиси;

2. О.Тўраев – жамиятнинг йирик акциядори “Наманганпахтасаноат” АЖ бошқаруви раиси в.б.;

3. М.Халимов – жамият директори.

Йиғилиш котиби этиб, жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Н.Қосимова сайланди.

Йиғилишни, йиғилиш раиси С.Қаюмов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларига қисқача маълумот бериб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Г.Паттаевага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2020 йил 19 июнь ҳолатига шакллантирилган “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1020 та акциядорга тегишли 570 175 дона акциялар (шундан 45 донаси имтиёзли акция) қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 510 914 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 89,56% ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворум мавжуд) ҳисобланади.

Йиғилиш раиси С.Қаюмов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва бизнес – режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг хисоботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.

5. Жамият Кузатув Кенгашининг 2019 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлаш.

6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.

7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хисоботини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. (Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш ва эски йиллардаги устав фондиди кўпайтиришга йўналтирилган соф фойда тақсимотини қайта кўриб чиқиш.

9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.

10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

11. Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чоратадбирлар тўғрисида” ги 914-сон қарори ижроси бўйича “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти томонидан йирик битим тузиш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала-Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш: йиғилиш раиси С.Қаюмов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди ва йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди:

Мазкур йиғилиш кун тартибида 14 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 10 (ўн) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 25 июндаги мажлис қарорига кўра санок комиссияси таркибига қуйидаги шахслар тавсия қилинган.

1. Н.Қосимова -Санок комиссия раиси;
2. Г.Паттаева -Санок комиссия аъзоси;
3. А.Адашев -Санок комиссия аъзоси.

Жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;

“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг ҳар бир масаласи бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 10 (ўн) дақиқадан, санок комиссияси ишига 5 (беш) дақиқадан вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

1.1 “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси уч кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Н.Қосимова - Санок комиссия раиси.
2. Г.Паттаева - Санок комиссия аъзоси.
3. А.Адашев - Санок комиссия аъзоси.

Кун тартибидаги иккинчи масала-Жамиятнинг 2019 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш: жамият ижроия органи раҳбари – М.Халимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2019 йилда олиб борган фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан Молиявий масалалар бўйича директор Ж.Турғуновга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш раиси С.Қаюмов акциядорлардан жамият бош директорининг 2019 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;

“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва жамият ижроия органининг 2019 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала-Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш: Жамият бош бухгалтери Ж.Турғунов сўз олиб, жамиятнинг баланс ва молиявий кўрсаткичлари, йил давомида олинган даромадлар ва харажатлар таркиби билан таништирди. Жамият акциядорларининг 2019 йил 27 июнда ўтказилган умумий йиғилиши қарори билан 2019 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини миллий ва халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “Консаудитинформ” МЧЖ танлаб олинган.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарори билан аудиторлик ташкилотларига 2020 йил 18 май кунидан хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувни ўтказиш учун иш ташкил қилишга рухсат берилган. Шундан келиб чиқиб жамиятимиз томонидан 2020 йил май ойида “Консаудитинформ” МЧЖга буюртма хат орқали аудиторлик текширувни ўтказиб беришни сўраб мурожаат этилган.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 03 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонининг 15-бандига кўра “мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш муддати 2020 йил 1 октябргача узайтирилиши” белгиланганлиги сабабли бугунги кунга қадар мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни 10-моддаси-“Мажбурий аудиторлик текшируви” бандига кўра акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиладиган жамият ва корхоналар рўйхатига киритилган.

Шундан келиб чиқиб, йиғилиш раиси жамиятнинг 2019 йилги молиявий хўжалик фаолияти якунлари аудиторлик ташкилоти томонидан текшириш ўтказилганидан сўнг жамиятнинг даромад ва харажатларига, соф фойданинг миқдорига аниқлик киритилишини эътиборга олиб, ижро органи томонидан тақдим этилган жамиятнинг 2019 йиллик хисоботи, йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлашни овоз бериш бюллетенларда акс эттиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – 0 та овоз; “Қаршилар”- 510 914 та овоз билан 100,0%;
“Бетарафлар”- 0 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йиллик хисоботи, йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш рад этилсин.

2. Юзага келган пандемия сабабли Республика ҳудудида карантин эълон қилинганлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиладиган аудиторлик текширувидан кейин, тегишли хулосалари олинганидан сўнг йиллик хисоботи, бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш жамият акциядорларининг навбатдан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала-Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш: йиғилиш раиси С.Каюмов жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси З.Саттаровга сўз берди.

“Тўрақўрғон пахта тозалаш” жамиятининг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи С.Каюмов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;
“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала-Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш: йиғилиш раиси сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи С.Каюмов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;
“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала-Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш:

Йиғилишда иштирок этаётган жамият директори М.Халимов сўзга чиқиб, “Консаудитинформ” МЧЖ мутахассислари жорий йилнинг март ойи иккинчи ярмида жамиятга келиб шартнома имзолаганликлари, жамиятнинг 2019 йиллик молиявий хўжалик фаолиятини текширишни “Наврўз” байрамидан сўнг апрель ойидан бошлашга келишганликларини, лекин юқорида айтиб ўтилганидек пандемия сабабли ҳудудларда карантин эълон қилинганлиги, бундан ташқари аудиторлик ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун аввалдан аванс (бўнак) ўтказилиши ҳақида шартномада кўрсатилганлиги ҳолатларига кўра жамиятнинг текшириш ишлари амалга ошмай қолганлиги, шунингдек умумий йиғилишларни ўтказиш муддатлари ҳам 01 октябрга қадар узайтирилганлигини таъкидлаб, ташқи аудиторлик хулосалари олинмаганлиги тўғрисида ахборот берди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилиш раиси жамиятнинг 2019 йилги молиявий хўжалик фаолияти яқунлари юзасидан миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик ташкилотининг хулосалари олинмаганлигини, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни 10-модда-“Мажбурий аудиторлик текшируви” моддасига кўра акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиладиган жамият ва корхоналар рўйхатига киритилганлигини эътиборга олиб овоз бериш бюллетенларида акс эттиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – 0 та овоз; “Қаршилар”- 510 914 та овоз билан 100,0%;
“Бетарафлар”- 0 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик хулосалари олинмаганлиги сабабли тасдиқлаш масаласи рад этилсин.

2. Юзага келган пандемия сабабли Республика ҳудудида карантин эълон қилинганлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича молиявий хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширув ўтказилгандан сўнг ҳамда тегишли хулосаларни олингандан сўнг аудиторлик хулосаларини тасдиқлаш жамият акциядорларининг навбатдан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала-Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хисоботини тасдиқлаш: йиғилиш раиси С.Каюмов сўзни жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Н.Қосимовага берди.

Тўрақўрғон пахта тозалаш жамиятининг 2019 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “Samimiy Audit” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг хулосасини акциядорларга ўқиб эшиттирди.

Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси – қониқарли деб эътироф этилган.

Йиғилиш раиси С.Каюмов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи С.Каюмов акциядорларга жамиятда 2019 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилишни

ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” 510 914 та овоз билан 100,0%; “Қаршилар”- 0 та овоз;
“Бетарафлар”- 0 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Samimiy Audit” МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки ҳафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган чора-тадбирларни киритсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала-Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш: йиғилиш раиси С.Каюмов сўзни жамиятнинг бош директори М.Халимовга берди.

М.Халимов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 97 499 250 сўм миқдорида тузилади ва 2020 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 114 687 500 сўм, яъни устав капиталнинг 17,6 фоизини ташкил этади.

Жамият захира фонди белгиланган миқдорда шаклланганлигини инобатга олган ҳолда (шаклланмаганлигини эътиборга олиб), жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 413 123,0 минг сўм соф фойдасини (устав капиталда имтиёзли акция мавжудлигини инобатга олган ҳолда,) қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилган:

-уставга кўра 2019 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида (акциянинг номинал қиймати $1\,140\text{ сўм} \cdot 15\% = 171,0\text{ сўмдан}$ х 45 дона) жами 7 695,0 сўмни жамият томонидан чиқарилган 45 дона имтиёзли акциялардан дивиденд тўланишига;

-соф фойданинг қолган 99,99 фоизи – 413 115 305 сўмни акциядорларга дивиденд тўлаш тўлаш учун йўналтириш.

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиш қарорларига асосан, 2017-2018 йиллар якуни соф фойдаси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарори талабларига асосан жамият устав фондиди кўпайтиришга йўналтирилган.

Жамият бухгалтерия баланси маълумотларига кўра эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинмаган маблағ 551 875 255 сўмни ташкил этади.

2018 йил якуни бўйича 215 235 305 сўм соф фойдаси жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали хисобидан кўпайтиришга йўналтириш белгиланган. Ушбу маблағлар қўшимча акция чиқариш учун етарли бўлмаганлиги сабабли жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича соф фойда тақсимоотида инобатга олиш бўйича қарор қабул қилинган (Ушбу маблағлар хисобидан 2019 йилдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан соф фойдани жамият устав фондига капитализация қилиш хисобига акциядорларнинг бир дона акцияларига биттадан қўшимча акциялар чиқариш йўли билан акциядорлар ўртасида ёпиқ обуна шаклида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий хўжалик фаолияти якунлари аудиторлик ташкилоти томонидан текшириш ўтказилганидан сўнг жамиятнинг даромад ва харажатларига, соф фойданинг миқдорига аниқлик киритилишини эътиборга олиб, кузатув кенгаши томонидан таклиф этилган соф фойда тақсимоотида ўз муносабатларини овоз бериш бюллетенларида акс эттиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – 0 та овоз; “Қаршилар”- 510 914 та овоз билан 100,0%;
“Бетарафлар”- 0 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик хулосалари олинмаганлиги сабабли 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласи рад этилсин.

2. Юзага келган пандемия сабабли Республика ҳудудида карантин эълон қилинганлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилгандан сўнг жамиятнинг соф фойдаси тақсимоотини кўриб чиқиб тасдиқлаш жамият акциядорларининг навбатдан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин

Кун тартибидаги тўққизинчи масала-Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш: йиғилиш раиси С.Қаюмов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган

шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил 16 июлдаги қарори билан тайинланган ижроия органи раҳбари–директори М.Халимовни тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш таклифини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;

“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ директори этиб Халимов Мирзақосим Азимович тайинлансин.

2. “Тўрақўрғон пахта тозалаш” кузатув кенгаши, жамият директори Халимов Мирзақосим Азимович билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузилишини таъминласин.

3. Жамият директори М.Халимов ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала-Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш: жамиятнинг бош ҳисобчиси ўринбосари Р.Жўраев сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	19.05.2020й. №33/20	16 000,0	11 000,0
2	“Auditor” МЧЖ	18.05.2020 йил №28-К/2020	15 000,0	15 000,0
3	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	18.05.2020 йил №81/20	17 000,0	11 500,0
4	“Samimiy audit” МЧЖ	20.05.2020 йил №24	14 000,0	10 000,0

Йиғилиш раиси С.Каюмов акциядорларидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ

аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Ўқлаганлар	Қаршилар	Бетарафлар
1	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	0	510 914	0
2	“Auditor” МЧЖ	0	510 914	0
3	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	0	510 914	0
4	“Samimiy audit” МЧЖ	510 914	0	0

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

- Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Samimiy audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 14 000,0 минг сўм белгилансин;

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Samimiy audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 10 000,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала-Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш: жамият бош ҳисобчиси Ж.Турғуновга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш катнашчиларини таништирди (*йиллик ҳисобот ва бизнес-режа илова қилинади*).

Йиғилиш раиси С.Каюмов акциядорлардан жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;

“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси тасдиқлансин;

2.Жамият директори М.Халимовга: Йил давомида Бизнес режа кўрсаткичлари бажарилишини таъминласин ва бу ҳақида ҳар чорак якуни бўйича жамият Кузатув кенгашига ҳисобот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш: йиғилиш раиси С.Каюмов акциядорларга қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилиши белгиланган.

Шунингдек, юқорида келтирилган Қонуннинг 63-моддасига асосан жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Бугунги кунга қадар “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросидан келиб чиқиб ҳамда жамиятнинг 510 640 дона ёки 89,56 фоиз акция пакети эгаси “Наманганпахтасаноат” АЖнинг 2020 йил 07 июндаги хатига асосан Кузатув кенгашига сайлаш учун қуйидаги номзодлар кўрсатилган.

Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилаётган номзодлар:

1. Икрамов Зафар Шавкатович – ДАБАгентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси, бошқарма бошлиғи.
2. Раҳманов Содикжон Абдулбоқиевич – ДАБАгентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси, бошқарма бошлиғи;
3. Эшонқулов Эркин Даниярович – ДАБАгентлиги, Лойиха офис ходими;
4. Жаббаров Хударган Аллаберганович – “Ўзпахтасаноат” АЖ, Бўлим бошлиғи.
5. Юлдашев Зафарбек Рустамович – “Ўзпахтасаноат”, АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси.
6. Шаахмедов Умид Қудратиллаевич – “Ўзпахтасаноат”, АЖ бош мутахассис.
7. Қурбанов Фирдавс Қобилжанович – “Ўзпахтасаноат” АЖ, Бўлим бошлиғи.
8. Омонов Олим – Молия вазирлиги, Департамент директор ўринбосари
9. Қаюмов Садулло Абдуллаевич – “Наманган минтақавий пахта терминали” МЧЖ, қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси С.Каюмов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

- | | | | |
|-------------------------------------|---|---------|---------|
| 1. Икромов Зафар Шавкатович | - | 510 914 | та овоз |
| 2. Рахманов Содикжон Абдулбоқиевич | - | 510 914 | та овоз |
| 3. Эшонқулов Эркин Даниярович | - | 510 914 | та овоз |
| 4. Жаббаров Хударган Аллаберганович | - | 510 914 | та овоз |
| 5. Юлдашев Зафарбек Рустамович | - | 510 914 | та овоз |
| 6. Шаахмедов Умид Қудратиллаевич | - | 510 914 | та овоз |
| 7. Қурбанов Фирдавс Қобилжанович | - | 510 914 | та овоз |
| 8. Омонов Олим | - | 510 914 | та овоз |
| 9. Каюмов Садулло Абдуллаевич | - | 510 914 | та овоз |

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. Икромов Зафар Шавкатович
2. Рахманов Содикжон Абдулбоқиевич
3. Эшонқулов Эркин Даниярович
4. Жаббаров Хударган Аллаберганович
5. Юлдашев Зафарбек Рустамович
6. Шаахмедов Умид Қудратиллаевич
7. Қурбанов Фирдавс Қобилжанович
8. Омонов Олим
9. Каюмов Садулло Абдуллаевич

Кун тартибидаги ўн учинчи масала-Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш: йиғилиш раиси қилувчи С.Каюмов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 510 640 дона 89,56 фоиз акция улуши эгаси “Наманганпахтасаноат” АЖ (ХАБ) томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

“Наманганпахтасаноат” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар қуйидагилар:

1. Саттаров Зафар Ривожиддинович - “Наманган Минтақавий терминал МЧЖ” хизмат бошлиғи;
2. Шакиров Зафар Шарифович - “Наманган Минтақавий терминал МЧЖ” бош бухгалтер;
3. Азизов Ғайратбек Қахарович - “Наманган Минтақавий терминал МЧЖ” материал ҳисобчи.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси С.Қаюмов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%;
“Қаршилар”- 0 та овоз; “Бетарафлар”- 0 та овоз.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. Саттаров Зафар Ривожиддинович;
2. Шакиров Зафар Шарифович;
3. Азизов Ғайратбек Қахарович.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала-Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш: йиғилиш раиси С.Каюмов сўзни жамият бош директори М.Халимовга берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири томонидан 2020 йил 14 май куни 02/1-668-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига мувофиқ пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харита”си билан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссияси томонидан бажариладиган тадбирлар белгиланди.

Ҳусусан, “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги корхоналар ёки уларнинг активларини олиш истагини билдирган инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, уларнинг таклифлари асосида объектнинг бошланғич нархини шакллантириш ва шу бошланғич шарт сифатида танлов савдоларига чиқариш, оммавий савдоларга икки ой муддат мобайнида таклиф этиш орқали Давлат тендер комиссияси қарори асосида сотиш чораларини кўриш “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссиясига топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 8 майдаги “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатишни жадаллаштириш бўйича 383/01-08-сон хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги соҳавий ва носоҳавий активларни белгиланган тартибда сотишни ташкиллаштириш юзасидан берилган таклифларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан розилик (02/1-668-сон, 11.05.2020 й.) олинди.

Шу муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби тасдиқланди (тартиб нусхаси илова қилинади).

Мазкур Тартиб билан, “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг инвестиция портфелидаги акция (улуш)ларни, шунингдек улар балансидаги кўчмас мулк объектларини тасарруф этиш мезонлари ва сотиш жараёнларининг ягона қоидаларини белгилаш орқали, уларни соддалаштирилган тартибда тезкор сотилишини ташкиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори, “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 11 майдаги 02/1-668-сон топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари сотилиши ва самарали фойдаланишини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сон хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг активларини тасдиқланган Тартиб асосида оммавий савдоларга чиқарилишини, шу жумладан активларни оммавий савдоларга чиқариш масаласи бўйича тизим жамиятларининг бошқарув органлари қарорлари қабул қилинишини ташкиллаштириш, бошқарув органлари қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддатда активларни оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотишни ташкил қилиш юзасидан қуйидагилар таклиф этилди:

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик бериш;

Активларнинг сотилишини максимал ошқоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли миқдорда тайёрлаш;

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган ҳудуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга ошириш;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссиясига киритиб бориш.

Йиғилиш раиси С.Каюмов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%; “Қаршилар”- 0 та овоз;
“Бетарафлар”- 0 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш “Тартиби” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сон хати маълумот ва ишда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

2. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш “Тартиби”га асосан сотилишига розилик берилсин.

3. “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ бош директориغا:

ўтказилган хатлов натижаларига кўра аниқланган активларнинг сотиш тартибини белгилаган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратиш;

қиймати қонунчиликда белгиланган йирик битимни ташкил этувчи активларни (мол-мулк, акция (улуш) пакетлари)ни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан сотилишини таъминлаш;

активларнинг сотилишини максимал ошқоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли миқдорда тайёрлаш;

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган ҳудуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга ошириш;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш вазифалари топширилсин.

Бунда Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Кун тартибдаги ўн бешинчи масала-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги 914-сон қарори ижроси бўйича “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти томонидан йирик битим тузиш тўғрисида.

Йиғилиш раиси С.Каюмов ўз сўзини давом эттириб, Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарорининг мазмун моҳиятини ўқиб эшиттирди.

Қарорнинг 3-бандига кўра пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластер ҳудудида жойлашган “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “Шаханд” пахта тайёрлаш масканларининг бино-иншоотларини “Наманган тўқимачи” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотиш белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда, “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг буюртмасига асосан жамиятнинг барча мол-мулкларини баҳолаш учун лицензияга эга бўлган “Реал бизнес баҳо” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти билан шартнома тузилди. “Реал бизнес баҳо” МЧЖ томонидан жамиятга қарашли “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг бино-иншоотлари 7 553 202 000 сўм, “Шаханд” маскани бино-иншоотлари 2 528 176 000 сўмга жами 10 081 378 000 сўмга баҳоланган, бундан ташқари жамият балансидаги бошқа асосий восита ва асбоб-ускуналар “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖда 4 620 860 320 сўмга, “Шаханд” масканида 45 046 292 сўмга баҳоланиб **жами 14 747 284 612** (ўн тўрт миллиард етти юз қирк етти миллион икки юз саксон тўрт минг олти юз ўн икки) сўмни ташкил этди.

Шунингдек, йиғилиш давомида акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги ҳамда қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олиш тартиби “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 40-41-моддаларига мувофиқ амалга оширилиши тўғрисида маълумот берилди.

Қонунчилик талабларига асосан “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ томонидан мол-мулкни сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорларга ушбу йиғилиш кунидан эътиборан етти кундан кечиктирмай жамият томонидан қайтариб сотиб олинишиниталаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акцияларни қайтариб сотиб олниниши тўғрисидаги ёзма талаблари ва жамиятга тақдим этилиши тўғрисидаги билдиришномалар юборилиши лозим.

“Реал бизнес баҳо” МЧЖ баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботига кўра, кичик микдордаги акциялар пакетидаги акцияларга эга акциядорлардан қайтариб сотиб олиш учун 1 (бир) дона акциянинг баҳоланган қиймати 58 427,90 сўм белгиланган.

“Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ томонидан мол-мулкни сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда узрли

сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорларга тегишли “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖга тегишли акцияларнинг 1 (бир) донасини 58 427,90 сўмдан қийматида “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ томонидан қайтартиб сотиб олиниши таклиф этилди.

Баҳолаш ҳисоботининг ҳаққонийлиги “Konservis” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан экспертизадан ўтказилиб, баҳоловчи ҳисоботида фарқ аниқланмаган. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарорининг 3-иловасига кўра “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “Шаханд” масканини “NAMANGAN TO'QIMACHI” МЧЖ корхонаси томонидан сотиб олиниши белгиланганлиги сабабли, жамият ижро органи томонидан 2020 йил 14 июлдаги 141-сон алоқа хати билан “NAMANGAN TO'QIMACHI” МЧЖ корхонасига баҳоланган (14 747 284 612 сўм) нархда тўловларни 5 йил муддат давомида (ҳар йили 20 фоиздан) амалга ошириш шарти асосида мулкрий-мажмуа кўринишида сотиб олиниши билдириб мурожаат қилинганлиги тўғрисидаги хатини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, йиғилишда иштирок этаётган акциядор Н.Исмаилов сўзга чиқиб, жамият мол-мулкани мулкрий мажмуа сифатида сотиб оладиган инвестор томонидан тўланадиган пул маблағлари 5 йил муддат билан тўлаб берилишини инобатга олиб, инфляция даражаси кескин ошиб кетиши содир бўлганда инфляция даражасини ҳисобга олиб инвестордан тўлаб берилишини талаб қилиш ва мулкрий-мажмуа сифатида сотиладиган бино ва иншоотларни ва асосий воситаларни сотиш тўғрисида тузиладиган шартноманинг тегишли бандига кўзда тутиш лозимлиги тўғрисида ўз таклифини берди.

Йиғилишда раислик қилувчи С.Каюмов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – 510 914 та овоз билан 100,0%; “Қаршилар”- 0 та овоз;
“Бетарафлар”- 0 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖнинг бино-иншоотлари ва бошқа асосий воситалари 14 747 284 612 (ўн тўрт миллиард етти юз қирқ етти миллион икки юз саксон тўрт минг олти юз ўн икки) сўмга 15 фоиз қўшилган қиймат солиғини қўшган ҳолда 16 959 377 303,8 (ўн олти миллиард тўққиз юз эллик тўққиз миллион уч юз етмиш етти минг уч юз уч) сўм қийматида тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали “NAMANGAN TO'QIMACHI” МЧЖ корхонасига сотилсин ва олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда расмийлаштирилсин.

3. “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “NAMANGAN TO’QIMACHII” МЧЖ ўртасида мулкый мажмуани сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасини имзолаш ваколоти жамият бош директори М.Халимовга берилсин;

4. “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “NAMANGAN TO’QIMACHII” МЧЖ ўртасида мулкый мажмуани сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасига тўловлар қўйидагича киритилиши таъминлансин:

- мулкый мажмуа умумий қиймати 5 йил муддатда (хар йили 20 фоиздан), яъни олди-сотди шартномасига илова қилинадиган тўловлар жадвалига мувофиқ тўлаш;

- Шартнома имзолангандан сўнг мулкый мажмуа умумий қийматининг 20 фоизи яъни 3 391 875 460,76 сўмни (шу жумладан ушбу сумманинг 15 фоизи миқдоридан олдиндан тўлов шартнома кучга кирган кундан 10 кун ичида) 2020 йил 31 декабрь кунига қадар;

- мулкый мажмуа умумий қийматининг 80 фоизи яъни 13 567 501 843,1 сўмини тенг миқдордаги йиллик тўловлар яъни хар йили 20 фоиз 3 391 875 460,77 сўмдан тўлаш шарти билан 2021 йил, 2022 йил, 2023 йил ва 2024 йилларнинг 31 декабрига қадар тўлаш белгилансин.

5. “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖнинг мол-мулки сотилиши ҳисобига ҳосил бўладиган солиқлар ўз вақтида ҳисобланиб давлат бюджетига тўланиши таъминлансин.

6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 40-моддасига мувофиқ, жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати, ушбу умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2020 йил 19 июнь кунига шакллантирилган акциядорлар реестри маълумотига асосан тузилади. Шунингдек :

- жамият томонидан мол-мулкни сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорлар, ўзларига тегишли акциялар қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар;

- акциядорлардан “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ акцияларининг 1 (бир) донаси 58 427,90 (элик саккиз минг тўрт юз йигирма етти сўм 90 тийин) сўм қийматида “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ томонидан қайтариб сотиб олинади;

- акциядорлар томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талабларини “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖга мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмаган муддатда тақдим этилади.

- акциядорларда акцияларни қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги ҳамда қайтариб сотиб олиш бўйича белгиланган нархи ва тартиби тўғрисидаги хабарномани жамият томонидан мазкур йиғилиш қарор қабул қилинган кундан эътиборан 7 (етти) кундан кечиктирмай юбориш (корпоратив ахборотлар ягона порталида эълон бериш) жамият директориға топширилсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида “Наманган минтақавий пахта терминали” МЧЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖга маълумот киритиб борилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси С.Каюмов акциядорларга

уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси



С.Қаюмов

Йиғилиш котиби



Н.Қосимова

Йиғилиш баённомаси 2020 йил 24 июль куни 2 (икки) нусхада тузилди.